

ОТБ таклифи бўйича халқаро экспертнинг Ўзбекистонда бўлишига доир



Осиё тараққиёт банки томонидан қилинган муружаатга асосан Ўзбекистондаги автомобиль йўллари ҳолатини ўрганиш мақсадида, шу соҳа бўйича халқаро эксперт ҳисобланган – Филипп Жордон мамлакатимизда бўлди.

Халқаро эксперт ўз сафари чоғида Республикамиз ҳудудидаги халқаро аҳамиятга эга бўлган – А-380 "Ўзгўр-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлини, шунингдек, М-37 автомобиль йўлининг "Самарқанд-Бухоро", М-39 автомобиль йўлининг "Тошкент–Самарқанд" йўналишини, А-373 "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлини кўздан кечирди.

Жараён якунлари бўйича Ф.Жордон кўмита тизимидаги корхоналар мутасаддилари ҳамда лойиҳа ташкилотлари иштирокида ўз тақдимотини ўтказди. Шунингдек, йўлларда термопластик чизиклар ётқизиш, йўл чегараларини, рефлектор ҳамда устунларни яхшилаш ва бошқа масалаларда ўз тавсияларини берди.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, Осиё тараққиёт банки – Ўзбекистондаги йўл қурилиши ва реконструкцияси бўйича йирик шериклардан бири ҳисобланади.

Автомобиль йўллари давлат кўмитаси

матбуот хизмати